

Ҳамза ибн Абдулмуттолибнинг Исломга кириши



18:02 / 21.12.2017 5004

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалиги яқинида ўтирган эдилар. Олдиларидан Исломга қарши ўз адовати ила машҳур бўлган Абу Жаҳл ўтиб қолиб, қаттиқ озор берди, сўкиб, ҳақоратлади. Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ҳеч нарса демадилар.

Абдуллоҳ ибн Жудъон исмли кишининг озод қилган чўриси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари – Ҳамзага бориб, бу хабарни айтди.

Ҳамза ўша пайтнинг энг довурак, баҳодир кишиси эди. Хабарни эшитиб, ғазаби жунбушга келди. Ўрнидан сапчиб туриб, қўлига қуролини олди. Абу

Жаҳл Байтуллоҳ яқинида одамлар билан гаплашиб ўтирган эди. Ҳамза уни тезда топди ва тўғри бориб камони билан уриб, бошини ёрди. Абу Жаҳлнинг башараси қонга беланди. «Мен унинг динида бўлсам ҳам, у нима деса, шуни айтсам ҳам, сен уни сўкяпсанми!?» деди Ҳамза ғазаб билан. Абу Жаҳл чурқ эта олмади.

Ҳамза розияллоҳу анҳу мусулмон бўлдилар. Қурайш кофирлари бундан ниҳоятда паришон бўлишди, чунки Ҳамза ўша пайтдаги жамиятда ниҳоятда муҳим ўрин тутар эди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)